

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ўз фаолиятига доир 2022 йил учун ҳисоботи

Бугунги кунда Фанлар академиясида 35 та илмий-тадқиқот муассасаси, шу жумладан 27 та илмий-тадқиқот институти, 4 та илмий марказ, 3 та давлат музейи, “РТ-70” – расадхонаси, шунингдек, Фан-техника адабиётининг “Фан” нашриёти ва Фундаментал кутубхона фаолият юритади.

Фанлар академияси тизимида жами 5 760 нафар ходим ўз фаолиятини юритади.

Илмий ходимларнинг асосий фаолияти тўхтовсиз лойиҳалар ёзиш ва турли танловларда иштирок этишдан муайян илмий масалани хал этишга йўналтирилди. Бу эса ўз навбатида, нуфузли илмий журналларда моқолалар чоп этиш даражасини деярли 2 баробар, ишланмаларни патентлаш даражасини 1,5 баробар ошириш имконини берди.

Илм-фан ва таълим интеграцияси кучайди. Илмий ташкилотларнинг олимларини университетларда таълим жараёнига жалб этиш даражаси ортди. Илмий ташкилотларнинг илмий тадқиқотларига жалб этиладиган талабалар сони 35-50%га ортди.

Ўзбекистон олимларининг илмий салоҳияти халқаро даражада эътироф этилмоқда. Нуфузли халқаро илмий симпозиум, конференция ва бошқа анжуманларда нафақат иштирокчи, балки “асосий маърузачи”, “таклиф этилган маърузачи” сифатида иштирок этишлари кўпайди.

Фанлар академиясида тўпланган илмий салоҳият, илмий мактаблар, илмий йўналишларни сақлаб қолиш ва унинг тадрижий ривожини ҳамда “устоз-шогирд” анъаналари узвийлигини давом эттиришга таъминламоқда. Айни дамда бу жараён “соғлом илмий рақобат”га хизмат қилмоқда.

Жумладан, Фанлар академияси олимлари томонидан бир қатор йирик кашфиётлар амалга оширилди.

Жумладан, илк бор юқори энергиядаги ядро ва ядро тўқланишлари натижасида янги резонанс заррача ҳосил бўлиши дунёда биринчи марта кашф этилди.

150 мингдан ортиқ биноларнинг электрон техник паспортлари шакллантирилди.

Фанлар академияси илмий ташкилотларида “Тиббий кимё ва нозик органик синтез”, “Полимерланишни бошқаришнинг замонавий ёндашувлари”, “Интерполимер комплекслар, наноструктуралли полимер металлокомплексларни олишнинг фундаментал асослари”, “Табиий биологик хилма-хиллик

объектларини тўр тизимли хариталаш”, “Инсон микробиомини тадқиқ қилиш”, “Камёб, эндем ва иқтисодий аҳамиятга эга бўлган ўсимлик ва ҳайвонот олами турларини генетик маркировкалаш”, “Глобал иқлим ўзгаришлари: биологик хилма-хилликнинг ҳолати ва унинг прогноз моделлаштириш” каби янги илмий йўналишлари йўлга қўйилди.

Биологик хилма-хиллик ҳақидаги Конвенциянинг Картахена протоколида белгиланган “Миллий мувофиқлаштириш маркази” ташкил этилди.

Полимерлар кимёси ва физикаси институтида замонавий илмий қурилмалар билан жиҳозланган илмий-ўқув Маркази ташкил этилди.

Ботаника институтида “Plant Diversity of Central Asia” инглиз тилида чиқариладиган илмий журнали таъсис этилди.

Микробиология институтида “AllWellLab” МЧЖ билан ҳамкорликда хусусий маблағлар, Ислом таракқиёт банки маблағлари жалб этган ҳолда (лойиҳа қиймати 100 минг АҚШ доллари бўлган) биотехнологик тадқиқотлар натижасида яратилган биопрепаратлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган биотехнологик тажриба лабораторияси ташкил этилди.

94 та узум ва 32 та буғдой нави учун халқаро стандартларга мувофиқ генетик паспортлар яратилди.

6 та янги биопрепарат ва 8 та диагностикумларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Марказий Осиёда илк бор тўр тизимли электрон хариталаш услуби тадбиқ этилди, Сурхондарё вилоятида 63 эндемик тур тарқалиши кўрсатилди.

Қорақалпоғистон Устюртининг 6,7 млн. гектарида тарқалган 7 та яйлов типига мансуб 42 та яйлов хилларининг давлат кадастри тузилди, илк бор Қорақалпоғистон яйловларининг электрон-рақамли “Яйловлар харитаси”, “Яйловлардан мавсумий фойдаланиш харитаси”, “Яйловлар сиғими харитаси” ишлаб чиқилди.

“Ўзбекистон санъати тарихи (қадимги давр, ўрта асрлар, ҳозирги замон)” китоби ўзбек, рус ва инглиз тилларида чоп этилди.

Хусайн Воиз Кошифийнинг форс тилидаги “Мавоҳиби Алия” тафсирининг автограф нусхаси (XV аср) факсимилеси чоп этилди.

“Конституционные реформы: опыт стран мира” китобининг 3 та жилди чоп этилди.

“Ўзбекистон иккинчи жаҳон уруши даврида” учинчи китоб-альбом чоп этилди.

Ахсикент, Кофир-қалъа, Оёқ-оғитма, Тошбулоқ-сой, Шодмалик-ота ва хоказо каби ўнлаб археологик объектларда қазув ишлари олиб борилиб, кўплаб илмий ютуқлар қўлга киритилди. Айниқса, проф. А. Анарбоев бошчилигида Ахсикент (Наманган) ёдгорлигида юритилган археологик қазув ишлари натижасида қадимий қувурлар (канализация тизими) ва деворий расмлар аниқланди ва улар оламшумул топилмалар ўлароқ эътироф этилди. Бу каби илмий янгиликлар А. Анарбоевнинг бир қатор нашрларида ўрин олди (1. Anorboyev A. Farg‘onaning qadimgi shaharlari va ularning Markaziy Osiyo tarixida tutgan o‘rni. O‘quv qo‘llanma. Toshkent: Fan, 2022; 2. Анарбоев А., Сайфуллаев Б., Саидов М. Сўх қадимда ва ўрта асрларда. Фарғона: Фарғона нашриёти, 2022). Ахсикент ёдгорлиги Марказий Осиё халқларининг ўрта асрлар шаҳарсозлиги, иқтисодий ва маданий ҳаёти тўғрисида бирламчи маълумотлар беради.

Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти асосий фонди кўлёзмаларининг электрон каталоги яратилди ва ишга туширилди. 2022 йил 27 май куни Шарқшунослик институти томонидан тайёрланган инглиз тилидаги электрон каталогининг халқаро тақдимоти ўтказилди. Унда республика ва хорижий тадқиқотчилар билан бир қаторда мазкур каталогнинг халқаро илмий кенгаши аъзолари иштирок этдилар. Интернет орқали ишга туширилган электрон каталог 25000 дан ортиқ асарлар тавсифини ўз ичига олади. Яратилган электрон каталог Шарқшунослик фондидаги муҳим илмий меросни Ўзбекистон ва хорижда чуқур ўрганиш ва кенг тадқиқ этишга хизмат қилади.

Scopus, Web of Science, Science Direct каби ахборот базалари журналларида 300 дан ортиқ илмий мақолалар чоп этилди.

24 та илмий ва илмий-техникавий анжуманлар ўтказилди.

Олий таълим муассасалари билан тузилган 6 та шартнома асосида бирикмалар тузилишини аниқлаш бўйича тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Биоорганик кимё институти қошида ташкил этилган “Жамоавий фойдаланиш” маркази томонидан хизмат кўрсатиш учун 20 шартномалар имзоланишини ва бажарилиши таъминланди.

Ион – плазма ва лазер технологиялари институтида “Ноёб илмий асбоб-ускуналардан жамоавий фойдаланиш маркази” ташкил этилган. Ушбу марказ 2022 йил даврида Фанлар тизимидаги академиясидаги илмий ташкилотлар Ядро физикаси институти, Конструкторлик илмий-техник маркази, Полимерлар кимёси ва физикаси институти, Миллий университет қошидаги Ярим ўтказгичлар физикаси ва микроэлектроника институти магистр ва докторантлари томонидан 262 та намуна Массспектрометрда Хромато-масс-спектрометрда (MSD 5975C-GC 7890A), InVia Raman спектрометрида, IR Фурье-спектрометрларида турли диапазонларда спектрлар анализи олиб берилди.

Илмий ташкилотларда 450 дан ортиқ олимлар таълим жараёнида қатнашиб келмоқда.

2022 йил 1 сентябрь ҳолатига Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти» Миллий тадқиқот университети, Жиззах политехника университети билан ҳамкорлик шартномалари ва меморандумлари имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 13.01.2022 йилдаги ПҚ-82-сон Қарорига биноан Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти билан Самарқанд давлат университети Агробиотехнологиялар ва озиқ-овқат хавфсизлиги факултети билан ҳамкорликда илмий ва педагогик фаолиятни ташкил этиш бўйича шартнома имзоланди. Шартнома асосида илмий изланувчилар ва ходимлар алмашинувини йўлга қўйиш ҳамда дарс жараёнларига соҳа мутахассислари ва олимларни жалб қилиш, битирув малакавий ишларига раҳбарлик қилиш учун Институт мутахассисларини жалб этишга келишилди ва тегишли мавзулар келишиб олинди.

Олимлар томонидан эришилган илмий ютуқларни кенг жамоатчиликка етказиш бўйича 11 та матбуот анжумани, 4 та брифинг, 7 та пресс-тур, 11 та кўргазма, 3 та тақдимот – жами 37 та пресс-тадбир ўтказилди. Январда 95 та, февралда 98 та, мартда 112 та, апрелда 120 та, майда 106 та, июнда 119 та, июльда 50 та, августда 70 та, сентябрда 125 та, октябрда 129 та, ноябрда 125 та, декабрда 120 та турли кўринишдаги ахборот-материаллари, шунингдек, 18 та инфографика, 60 та фото, 201 та видео материаллар тақдим этилди. Фанлар академияси фаолиятига бағишланган 25 та роликлар тайёрланди. Фанлар академияси илмий-тадқиқот муассасалари фаолияти, илмий ишланмалар натижалари, янги ишланмалар ҳақидаги материалларни Фанлар академияси расмий веб-сайти, ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида ва ОАВда ёритиш мақсадида 1100 дан ортиқ тарғибот тадбирлари ўтказилди. Телеканалларда 250 дан ортиқ, газеталарда 100 га яқин, веб-сайтларда 270 дан ортиқ, ижтимоий тармоқлар, мессенжерларда 250 га яқин, 130 га яқин радиоэшиттиришлар эълон қилинди. Фанлар академияси президенти Б.С.Юлдашев, вице-президентлар Б.Т.Ибрагимов, С.З.Мирзаев ва Б.А.Абдухалимовларнинг, Бош илмий котиб Г.А.Бахадировнинг Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий ва Хоразм вилоятларида маҳаллий тадқиқотчилар ва ёшлар билан учрашувлари ҳамда оммавий қабуллари ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикасининг Очiq маълумотлар портали <https://data.egov.uz/organizations/461> да Фанлар академиясига тегишли бўлган 9 та очiq маълумот ва Фанлар академияси расмий веб-сайтида 33 та очiq маълумотлар ўз муддатларида жойлаштириб борилмоқда <http://academy.uz/uz/page/ochiq-malumotlar>

ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 19 апрелдаги “Илмий ва инновацион фаолият билан шуғулланиб келаётган иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ номзодлар илмий ташкилотлардан Инновацион ривожланиш вазирлигига тақдим этилади. ИРВнинг 09.08.2022 йилдаги 32-22/4428, 26.08.2022 йилдаги 32-22/4856, 05.09.2022 йилдаги 32-22/4981-сонли хатларига мувофиқ танловларда ФА тасарруфидаги илмий ходимлар иштироки таъминланди.

ЎзР Президент Администрацияга Фанлар академияси раҳбар кадрлари учун захира шакллантириб юборилди (21/1256-119-сонли хат 20.05.2022 й.). ФА тасарруфидаги илмий ташкилотларга кадрлар бўйича масъул ходимларни малака оширишга юбориш бўйича топшириқ берилган (№ 21/1255-457, 28.02.2022), Инновацион ривожланиш вазирлигига “Инновацион менежмент” ўқув курсида малака оширишга юборилди (№ 21/1255-1030, 28.04.2022).

Фанлар академиясига 2022 йилда 220 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, жумладан Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президенти фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишлари келиб тушган, улар ижросини таъминлаш борасида Фанлар академияси томонидан 129 та қарорлар (55 та буйруқ, 72 та назорат режалари ва чора-тадбирлар дастури, 2 та қарор) қабул қилинди.

Фанлар академияси мазкур ҳужжатлари ижроси юзасидан илмий ташкилот ва минтақавий бўлимлар томонидан мақсадли ўрганишлар асосида ҳар ойда ижро интизоми бўйича ҳисоботлар тақдим этиб келинмоқда. Жумладан, ҳисобот даври давомида қонунчилик ҳужжатлари ижроси юзасидан мақсадли ўрганишлар бўйича 164 та йиғилишлар ўтказилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президентининг топшириқлари ва буйруқлари масъуллар ва илмий ташкилотлар томонидан бажарилиши “mf.ijro.uz” электрон тизими орқали назоратга олинган.

Фанлар академияси тизимида ходимларга давлат тилини чуқур ўрганишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида ходимларни Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузурида ташкил этилган Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малака ошириш марказида малака оширишлари таъминланди. 2022 йил кесимида Фанлар академияси бошқарув аппаратидан 1 нафар ходим (Азизова Омина Баҳромовна), тизим илмий муассасаларидан – Ботаника институтидан 2 нафар Г.Қодирова, З.Сохибова, Астрономия институтидан 4 нафар ходим – Эргашева Раъно Худоёрова, Аҳмедшина Зулайҳо Халиловна, Дўстметова Саида Саидахметовна, Кутбиддинова Озода Рухиддиновна, Механика институтидан Эргашева Шахло Вахобжон қизи, Биорганика институтидан Тўлаганова Ҳилола Тохритдиновна малака ошириб, сертификат олди.

Ҳисобот даврида 260та ЎзР ФА илмий ташкилотлари илмий ходимлари халқаро конференция, семинар ва тренингларда қатнашиш учун МДҲ ва хорижий давлатларга юборилди.